

Давлат статистика қўмитаси Раисининг
2011 йил 15 апрелдаги
19-сонли буйруғига илова

**Давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини
бузганлиги учун маъмурий жазога тортилган шахсларни
ҳисобга олиш тартиби тўғрисида**

Низом

1. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузганлиги учун давлат статистика органлари томонидан маъмурий жазога тортилган шахсларни ҳисобга олишнинг ягона тартибини белгилайди.

2. Маъмурий жазога тортилган шахслар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, ишлаш, умумлаштириш, жамлаш, сақлаш ва уларни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш, шунингдек, уларни давлат органларига тақдим этиш ҳисобга олишнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

3. Қуйидагилар ҳисобга олиш принциплари ҳисобланади:

қонунийлик;

ахборотларнинг холисоналиги, ишончлилиги ва таққосланувчанлиги;

ахборотнинг ушбу Низомда ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган доирада фойдаланилиши ва ошқоралиги;

ҳисобга олишнинг мажбурийлиги ва бир хилдалиги.

4. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

маълумотларнинг ягона базаси – барча ваколатли органлар томонидан республика ҳудудида маъмурий жазога тортилган шахслар тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлган маълумотларнинг ягона марказлаштирилган электрон базаси;

маълумотларнинг ҳудудий базаси – тегишли ҳудуддаги барча ваколатли органларнинг қарорлари асосида маъмурий жазога тортилган шахслар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган маълумотларнинг ҳудудий электрон базаси: Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича;

маълумотларнинг идоравий базаси – республика ва ҳудудий статистика органларининг қарорлари асосида давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузганлиги учун маъмурий жазога тортилган шахслар тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлган **Давлат статистика қўмитасининг** маълумотлар электрон базаси.

5. Маъмурий жазога тортилган шахсларнинг марказлаштирилган ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан маълумотларнинг ягона ва ҳудудий базасини шакллантириш ва юритиш орқали амалга оширилади.

Маълумотларнинг ягона, ҳудудий ва идоравий базалари чекланган ҳолда фойдаланиладиган ахборот ресурслари ҳисобланади.

6. Маълумотларнинг ҳудудий базалари маъмурий жавобгарлик тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлган барча идораларнинг маълумотлар идоравий базалари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари (кейинги ўринларда ички ишлар бошқармалари деб аталади) томонидан шакллантирилади.

7. Маълумотларнинг идоравий базаси ҳисобга олиш ҳужжатлари асосида ҳудудий статистика органлари томонидан шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 215 – моддасига асосан маъмурий жазога тортилган шахслар ҳисобга олинади.

Қуйидагилар ҳисобга олиш ҳужжатлари ҳисобланади:

Ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича маъмурий жазога тортилган шахсларни ҳисобга олиш 1-АП (маъмурий ҳуқуқбузарлик) шаклидаги карточкаси (кейинги ўринларда 1-АП шаклидаги карточка деб аталади);

Ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича маъмурий жазони қўллаш тўғрисидаги қарорни ижро қилиш ҳақидаги билдиришнома (кейинги ўринларда билдиришнома деб аталади).

Ҳисобга олиш ҳужжатлари ва маълумотлар базалари давлат тилида юритилади.

8. Ҳудудий статистика бошқармалари ушбу Низомда белгиланган тартибда ва муддатларда карточкалар ва билдиришномаларни тегишли ички ишлар бошқармаларига тақдим этадилар.

9. Маъмурий жазони қўллаш тўғрисида қарор чиқарган мансабдор шахс карточка ва билдиришномани ушбу Низомга қатъий мувофиқ электрон форматда (кейинги ўринларда электрон карточка ва электрон билдиришнома деб аталади) тўлдиради, сўнгра уларни бир нусхада қоғозга кўчиради (кейинги ўринларда қоғоз карточка ва қоғоз билдиришнома деб аталади) ва имзолайди.

Карточка ва билдиришномани имзолаган мансабдор шахс унинг ишончилиги, тўлиқ тўлдирилганлиги ҳамда уларни тақдим этишнинг ушбу Низомда белгиланган тартиби ва муддатларига риоя қилинганлиги учун жавоб беради.

Карточка ва билдиришномалар маъмурий жазони қўллаш тўғрисида қарор чиқарган ҳудудий статистика органларида ушбу Низомда белгиланган муддатларга мувофиқ сақланади.

10. Ҳисобга олишнинг тўлиқлигини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар статистика бошқармалари ҳар чоракда бир марта (ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10 санасигача) ўзининг ҳамда туман, шаҳар статистика бўлимлари томонидан тақдим этилган карточка ва билдиришномаларни маълумотларнинг идоравий базаси билан солиштиради.

Солиштиришни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан келишган ҳолда Давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланади.

11. Маъмурий жазога тортилган шахсларни ҳисобга олиш, маълумотларнинг идоравий базаларини шакллантириш ва юритиш, маълумотларни ички ишлар органларига тақдим этиш бўйича ҳудудий статистика органлари фаолиятини назорат қилиш Давлат статистика қўмитаси Статистика ишларини ташкил этиш ва методологияси бошқармасининг Ҳудудий статистика органлари билан ишлаш бўлими томонидан амалга оширилади;

маъмурий жазога тортилган шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг сақланишини ва улардан рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилишни Давлат статистика қўмитасининг Ахборот технологиялари ва дастурлаштириш бошқармаси ҳудудий статистика бошқармаларининг Дастурий техник таъминот ва маълумотларни сақлаш марказлари билан биргаликда таъминлайди.

II. Маъмурий ҳуқуқбузарликларни ва уларни содир этган шахсларни ҳисобга олиш дафтариини расмийлаштириш, юритиш, сақлаш

12. Давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузганлиги учун маъмурий жазони қўллайдиган давлат статистика органлари томонидан Маъмурий ҳуқуқбузарликларни ва уларни содир этган шахсларни ҳисобга олиш дафтари (кейинги ўринларда Дафтар деб аталади) ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ юритилади.

Дафтарга барча маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва уларни содир этган шахслар тўғрисидаги маълумотлар ёзилади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик

тўғрисидаги иш тугатилган тақдирда Дафтарнинг 5-устунида тегишли ёзув қайд этилади. Давлат статистика органлари томонидан Дафтарнинг 4- ва 7- устунлари тўлдирилмайди.

13. Дафтар календарь йил бошидан юритилади. У тартиб рақами қўйилган ва ип ўтказиб боғланган бўлиши керак. Охириги саҳифасида ипнинг боғланган жойига қоғоз елимланади, унга ваколатли орган муҳри туширилади ва унда мазкур орган раҳбари тасдиқлаган ишонч ёзуви бўлади.

14. Дафтарга барча ёзувлар аниқ ҳолда, кўк ёки қора рангли сиёхлар (паста) билан қайд этилади. Унда ўчириб ёзишга, тузатишга ёки илгари қайд этилган ёзувларни тузатиш воситалари ёрдамида йўқотишга йўл қўйилмайди.

Зарур ҳолатларда хато билан қайд этилган ёзувлар илгари қайд этилган матнни аниқ ўқиш мумкин бўлган ҳолда ўчирилади. Янги ёзув айнан шу устунда қайд этилади. Бу ҳолда Дафтарнинг юритилиши учун масъул бўлган мансабдор шахс тузатишни сана кўрсатилган ҳолдаги имзоси билан тасдиқлайди.

15. Дафтар уч йил сақланади, сўнгра далолатномага мувофиқ йўқ қилинади.

16. Дафтарнинг сақланиши ундаги маълумотларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли ҳолда қайд этилганлиги учун жавобгарлик Давлат статистика қўмитаси ва ҳудудий статистика бошқармаларининг юридик хизматлари, туман ва шаҳар статистика бўлимлари бошлиқлари зиммасига юкланади.

III. Ҳисобга олиш ҳужжатларини тузиш ва ишлаш

1-§. Маъмурий жазога тортилган шахсларни ҳисобга олиш карточкаси, 1-АП шакли

17. Маъмурий жазони қўллаган давлат статистика органлари 1-АП шаклидаги электрон карточкаларни қарор чиқарилгандан кейин бир сутка мобайнида маълумотларнинг идоровий базасига киритадилар.

Қоғоз карточкалар ҳар ўн кунда – ҳар ойнинг 10, 20 ва 30- санасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар статистика бошқармаларига юборилади. Агар кўрсатиб ўтилган саналар ишланмайдиган кунга (дам олиш, байрам кунларига) тўғри келса, карточкалар ишланмайдиган кундан кейинги биринчи кунда жўнатилади.

18. Агар карточкаларни ушбу Низом талаблари бузилган ҳолда тўлдирилганлиги аниқланса, улар дарҳол ҳудудий статистика органлари томонидан тузатилади. Тузатилган электрон карточкалар қоғоз карточкаларга

мажбурий алмаштирилган ҳолда ушбу Низомнинг 17-бандига мувофиқ маълумотларнинг идоравий базасига киритилади.

19. Ҳудудий статистика бошқармалари ҳар куни, янги маълумотлар бўлмаган тақдирда эса – уларнинг идоравий базага тушишига кўра, электрон карточкаларни маълумотларнинг ҳудудий базасига жўнатади.

20. Маъмурий жазога тортилган шахслар тўғрисидаги маълумотлар жазони ижро этиш тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида сақланади. Сақлаш муддати тугагач, электрон карточкалар маълумотлар базасидан чиқарилади, карточкалари чиқарилган шахслар тўғрисидаги қисқача маълумотлардан иборат бўлган ҳисобот ёзилади. Айни бир вақтда қоғоз карточкалар ва билдиришномалар далолатномалар бўйича йўқ қилинган ҳисобга олиш ҳужжатларининг умумий сони кўрсатилган ва ҳисоботга асосланган ҳолда йўқ қилинади. Йўқ қилинганлик тўғрисидаги ҳисоботлар ва далолатномалар уч йил сақланади.

2-§. 1-АП шаклидаги карточка таркиби ва уни тўлдириш тартиби

21. 1-АП шаклидаги электрон карточкани тўлдириш “Маъмурий жазога тортилган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва туғилган санаси” реквизитлари билан бошланади.

22. 1- ва 3-сатрларда ҳуқуқбузарликни аниқлаган (протокол тузган, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғаган), шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни/протоколни кўриб чиққан ва қарор чиқарган статистика органининг номи кўрсатилади. Ушбу сатрда 320 код қайд этилади.

Агар маъмурий ҳуқуқбузарликни аниқлаган (протокол тузган), шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни/протоколни кўриб чиққан ва қарор чиқарган статистика органи айнан битта орган бўлса, 3-сатр тўлдирилмайди.

23. “Ҳуқуқбузарлик содир этилган жой” деб номланган 2-сатрда аҳоли пункти, туман, шаҳар, вилоят (республика) номи кўрсатилади, минтақа коди қайд этилади (ушбу Низомга 4-илова).

24. 4-сатрда давлат статистика органининг Дафтари бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги протоколнинг тартиб рақами ва унинг кўзғалган/тузилган санаси кўрсатилади.

25. 5-сатрда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиққан ва қарор чиқарган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими, 6-сатрда иш кўриб чиқилган сана, 7-сатрда карточкага тузатиш киритилган

сана, 7.1-сатрда тузатиш киритилиш сабаби: “1”-тўлдиришдаги хато, “2”- қарор қайта кўриб чиқилган сўзлари қайд этилади.

26. 8-сатрда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс нормалари бўйича ҳуқуқбузарликнинг квалификацияси кўрсатилади.

8.1-сатрда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган (аниқланган) сана акс эттирилади.

27. 9-сатрда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 23-24 моддаларига мувофиқ маъмурий жазо чоралари акс эттирилади.

9.1- сатрида “1”- жарима коди кўрсатилади;

9.2 - 9.4 сатрлар статистика органлари томонидан тўлдирилмайди.

28. 10.1 ва 10.2 - сатрларда ёзилган ва ундирилган жарима миқдори сўмларда кўрсатилади.

29. 11 - сатр статистика органлари томонидан тўлдирилмайди.

30. 12-сатрда маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахс тўғрисидаги маълумотлар – фамилияси, исми, отасининг исми, шунингдек қуйидаги маълумотлар мавжуд бўлади:

12.1 - ва 12.2 - сатрларда – ҳуқуқбузарнинг туғилган санаси, оғи, йили ва яшаш жойи (қисқартирмасдан);

12.3 - сатрда шахсни тасдиқловчи ҳужжат “1” - паспорт, “2” - яшаш гувоҳномаси, “3”-фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси, “4” – ҳайдовчилик гувоҳномаси, “5” – ҳарбий гувоҳномаси ёки шахсини тасдиқловчи гувоҳномалардан тегишлиси белгиланади, шунингдек ҳужжатнинг тартиб рақами ва серияси, қачон ва ким томонидан берилганлиги қайд этилади;

12.4 - сатрда – солиқ тўловчининг идентификациялаш тартиб рақами;

12.5-сатрда – ҳуқуқбузарнинг жинси “1”-эр, “2”-аёл;

12.6-сатрда – ҳуқуқбузарнинг фуқаролиги: “1” – Ўзбекистон Республикаси фуқароси, “2”- хорижий фуқаро, “3”- фуқаролиги бўлмаган шахс;

12.7 - сатрда – машғулотларнинг тури: “2”- иш белгиланади, шунингдек иш жойи ва лавозими кўрсатилади;

12.8 – сатри статистика органлари томонидан тўлдирилмайди.

31. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан шикоят ёки протест билдириш 13-сатрда акс эттирилади.

Қуйидаги кўриб чиқиш натижалари 13.1-сатрда кўрсатилади:

“1”- қарор ўзгаришсиз қолдирилган;

“2”- иш янгидан кўриб чиқишга жўнатилган;

“3”- ишни кўриб чиқиш тугатилган;

“4”- жазо чораси ўзгартирилган.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш тугатилган тақдирда карточка маълумотлар базасидан чиқарилади.

Жазо чоралари ўзгартирилганда ёки ишни янгидан кўриб чиқиш натижалари бўйича бошқача қарор чиқарилганда, карточкага ушбу Низомнинг 18-бандида назарда тутилган тартибга риоя қилинган ҳолда якуний қарор қабул қилган орган томонидан тузатиш киритилади.

Бунда 13-сатрда иш юзасидан шикоят ёки протест билдирилганлиги тўғрисида ёзув қайд этилади.

32. 14-сатрда карточка тўлдирилган сана кўрсатилади ва ишни кўриб чиққан шахснинг имзоси қўйилади.

3 §. Маъмурий жазони қўллаш тўғрисидаги қарорни ижро этиш ҳақидаги билдиришнома

33. Ҳуқуқбузардан маъмурий жазони қўллаш тўғрисидаги қарорни (ажримни) ижро этиш ҳақидаги тасдиқловчи ҳужжатлар (квитанция) олинган тақдирда тегишли статистика органи ушбу Низомнинг 17-бандида назарда тутилган тартибда билдиришнома жўнатади.

Ваколатли орган томонидан жарима суммаси, уни 1-АП шаклидаги карточканинг 10.2-сатрида кўрсатган ҳолда тўлиқ ундирилган тақдирда билдиришнома жўнатишмайди.

34. Электрон билдиришномани маълумотларнинг ҳудудий базасига жўнатиш ушбу Низомнинг 19-бандида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

35. Давлат статистика органлари томонидан маъмурий жазони қўллаш тўғрисидаги қарор мажбурий ижро этиш учун суд ижрочиларига тақдим этилганда, суд ижрочиси ҳуқуқбузардан маъмурий жазога тортиш тўғрисидаги қарор (ажрим)нинг ижро этилганлиги ҳақидаги тасдиқловчи ҳужжатларни олиб, амалга оширилган ундириш тўғрисидаги ёзувни қайд этгандан сўнг, уч иш куни мобайнида маъмурий жазога тортиш тўғрисида қарор қабул қилган давлат статистика органига ҳужжатларни қайтаради.

Сўнг мазкур статистика органи олган ҳужжатлар асосида маълумотларнинг идоравий базасига тегишли ёзувни қайд этади.

IV. Маълумотларнинг ягона базасига мурожаат қилиш тартиби

36. Шахсни маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун жавобгарликка тортишда, маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил

давомида маълумотларнинг идоравий базасига мурожаат қилиш йўли билан давлат статистика ҳисоботини тақдим этиш тартибини қайта бузиш ҳолати текширилади.

Маълумотларнинг ягона базасига мурожаат қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 февралдаги 39-сонли қарори билан тасдиқланган “Маъмурий жазога тортилган шахсларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги Низом”да белгиланган.

У ёки бу шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида ахборот талаб қилган давлат статистика органлари олинган ахборотни ошкор қилганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

“Давлат статистика ҳисоботларини
тақдим этиш тартибини бузганлиги учун
маъмурий жазога тортилган шахсларни
ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги
Низом”га 1-илова

Маъмурий жазоланган шахсларни ҳисобга олиш карточкаси

№1-АП шакли

| | |
|---|--|
| 1. _____ (протокол тузган, иш кўзгаган органнинг номи) | 1. /__/_/_/_/ |
| 2. _____ (ҳуқуқбузарлик содир этилган жой) | 2. /__/_/_/_/ |
| 3. _____ (ишни/ протоколни кўриб чиққан ваколатли орган) | 3. /__/_/_/_/ |
| 4. _____ (Дафтар бўйича ишнинг рўйхатдан ўтказиш/протокол тартиб рақами) 4.1. Протокол тузилган/иш кўзғатилган сана: 20 __ йил “ _____ ” | 4. /__/_/_/_// /__/_/_/_// /__/_/_/_// |
| 5. _____ _____ (ишни кўриб чиққан шахснинг Ф.И.О. ва лавозими) 6. Иш кўриб чиқилган сана 20 __ йил “ _____ ” 7. Карточкага тузатиш киритилган сана: 20 __ йил “ _____ ” 7.1. Тузатиш киритиш сабаблари: «1» – тўлдиришдаги хато; «2» – қарорни қайта кўриб чиқиш | 7.1. /__/_/ |
| 8. Ҳуқуқбузарлик квалификацияси: МЖК _____ қисми _____ моддаси 8.1. Ҳуқуқбузарлик содир этилган (аниқланган) сана: 20 __ йил “ _____ ” | |
| 9. Маъмурий жазо чоралари (МЖКнинг 23, 24-моддалари): 9.1. асосийлари: «1» - жарима; «2» - предметни ҳақини тўлаш шарти билан олиб кўйиш; «3» - предметни мусодара қилиш; «4» - махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш; «5» - маъмурий қамоққа олиш. 9.2. муддати: 20 __ йил “ _____ ” _____ гача 9.3. қўшимча равишда: «2» - предметни ҳақини тўлаш шарти билан олиб кўйиш; «3» - предметни мусодара қилиш; 9.4. хорижий фуқаролар ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларни мамлакатдан маъмурий чиқариб юбориш - «6» | 9.1. /__/_/ 9.3. /__/_/ 9.4. /__/_/ |

| | |
|---|-------------------|
| <p>10. Жарима миқдори:</p> <p>10.1 қўлланилгани: _____ сўм;</p> <p>10.2 ундирилгани: _____ сўм.</p> | |
| <p>11. Предметнинг қиймати:</p> <p>11.1. ҳақини тўлаш шарт билан олиб қўйилганини _____ сўм;</p> <p>11.2. мусодара қилинганини _____ сўм.</p> | |
| <p>12. _____</p> <p>_____</p> <p>(хукукбузарлик содир этган шахснинг Ф.И.О.)</p> <p>12.1. Туғилган санаси _____ йил «_____» _____</p> <p>12.2. _____</p> <p>_____</p> <p>(хукукбузарлик содир этган шахснинг яшаш жойи)</p> | |
| <p>12.3. Шахсини тасдиқловчи ҳужжат: «1» – паспорт, «2» – яшаш гувоҳномаси, «3» - фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси, «4» - ҳайдовчилик гувоҳномаси, «5» - ҳарбий гувоҳнома ёки шахсни тасдиқловчи гувоҳномаси</p> <p>№ _____ йил “_____” _____ да берилган</p> <p>_____</p> <p>(ким томонидан берилган)</p> <p>12.4. Солиқ тўловчининг идентификациялаш рақами:</p> <p>_____</p> | <p>12.3. /__/</p> |
| <p>12.5. Ҳукукбузарнинг жинси: «1» - эр; «2» - аёл.</p> | <p>12.5. /__/</p> |
| <p>12.6. Фуқаролиги: «1» - Ўзбекистон фуқароси; «2» - ҳорижий фуқаро; «3» - фуқаролиги бўлмаган шахс.</p> | <p>12.6. /__/</p> |
| <p>12.7. Машғулотларининг тури: «1» - ўқиш; «2» - иш; «3» - машғулотларининг тури ноаниқ.</p> <p>Ўқиш, иш жойи, лавозими: _____</p> | <p>12.7. /__/</p> |
| <p>12.8. Мастлик ҳолатидалиги: «1» - алкоғолли; «2» - гиёҳвандлик; «3» - бошқача мастлик.</p> | <p>12.8. /__/</p> |
| <p>13. Қарор: «1» - шикоят билдирилган; «2» - протест билдирилган.</p> | <p>13. /__/</p> |
| <p>13.1. Шикоят ёки протестни кўриб чиқиш натижаси: «1» - қарор ўзгаришсиз қолдирилган; «2» - иш янгидан кўриб чиқиш учун жўнатилган; «3» - ишни кўриб чиқиш тугатилган; «4» - жазо чораси ўзгартирилган.</p> | <p>13.1. /__/</p> |
| <p>14. 20__ йил “_____” _____</p> <p>(иш кўриб чиқилган сана ва кўриб чиққан шахснинг имзоси)</p> | |

“Давлат статистика ҳисоботларини
тақдим этиш тартибини бузганлиги учун
маъмурий жазога тортилган шахсларни
ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги
Низом”га 2-илова

**Маъмурий жазони қўллаш тўғрисидаги қарорни ижро этиш ҳақида
БИЛДИРИШНОМА**

(билдиришнома юборган органнинг номи)

Фамилияси _____

Исми _____

Отасининг исми _____

Туғилган санаси _____ йил « ____ » _____

Яшаш жойи _____

(қисқартиришларсиз)

Иш/протоколнинг тартиб рақами: 20 ____ йил « ____ » _____
(керагининг остига чизилсин) (тузилган санаси)

Ҳуқуқбузарлик квалификацияси: МЖК (____) ____ қисми, ____ моддаси
(остига чизилсин ёки бошқа ҳужжат кўрсатилсин)

Қўлланилган жарима суммаси: _____ сўм

Ундирилган жарима суммаси: _____ сўм

Тўланган сана: 20 ____ йил « ____ » _____

Ҳақини тўлаш шарт билан олиб қўйилган/мусодара қилинган сана:

20 ____ йил « ____ » _____

_____ (масъул мансабдор шахснинг Ф.И.О.)

_____ (имзоси)

Сана: 20 ____ йил « ____ » _____

“Давлат статистика ҳисоботларини
тақдим этиш тартибини бузганлиги учун
маъмурий жазога тортилган шахсларни
ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги
Низом”га 3-илова

(ваколатли органнинг номи)

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва уларни содир этган шахсларни ҳисобга олиш дафтари

Бошланган: 20__ йил «__» _____ №_____ дан

Тугаган: 20__ йил «__» _____ №_____ да

Дафтар реквизитлари

| Т/р | Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилган сана, протокол тузган, ишни қўзғаш тўғрисида қарор, ажрим чиқарган орган (мансабдор шахс) | Ҳуқуқбузарликни содир этган шахс тўғрисидаги маълумотлар: фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва жойи, фуқаролиги, яшаш жойи, манзили, иш жойи ва лавозими, паспорти маълумотлари | Олиб қўйилган буюмлар, ҳужжатлар, ушланган транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлар | Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарор чиқарилган сана, қарор чиқарган ваколатли орган |
|-----|---|--|---|--|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |

жадвалнинг давоми

| | | | | |
|--|--|--|--|--|
| Ҳуқуқбузарликнинг МЖК ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат нормалари (модда, қисм, банд) бўйича квалификацияси, ундириш тури ва миқдори | Олиб қўйилган буюмлар, ҳужжатлар, ушланган транспорт воситаларига нисбатан қабул қилинган қарор (шу жумладан қайтарилган санаси, ҳужжатнинг тури ва тартиб рақами) | Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича юқори орган (суд) томонидан чиқарилган қарор | Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорнинг кучга кириш санаси, уни ижро этиш тўғрисидаги маълумотлар, жазонинг ижроси тугаган сана | №1-АП шакли карточкани киритган мансабдор шахс |
| 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |

“Давлат статистика ҳисоботларини
тақдим этиш тартибини бузганлиги учун
маъмурий жазога тортилган шахсларни
ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги
Низом”га 4-илова

Минтақалар, туманлар (шаҳарлар) кодлари

| | |
|------------------------|--------------|
| Андижон вилояти | 03000 |
| Андижон тумани | 03201 |
| Булоқбоши тумани | 03202 |
| Балиқчи тумани | 03206 |
| Бўз тумани | 03209 |
| Жалолқудуқ тумани | 03211 |
| Избоскан тумани | 03214 |
| Улуғнор тумани | 03216 |
| Қўрғонтепа тумани | 03220 |
| Олтинқўл тумани | 03223 |
| Марҳамат тумани | 03227 |
| Шаҳриҳон тумани | 03230 |
| Пахтаобод тумани | 03232 |
| Асака тумани | 03234 |
| Ххжаобод тумани | 03236 |
| Андижон шаҳри | 03401 |
| Хонобод шаҳри | 03408 |
| | |
| Бухоро вилояти | 06000 |
| Бухоро шаҳри | 06212 |
| Олот тумани | 06215 |
| Бухоро тумани | 06218 |
| Вобкент тумани | 06221 |
| Ғиждувон тумани | 06224 |
| Қоракўл тумани | 06230 |
| Қоровулбозор тумани | 06232 |
| Пешку тумани | 06234 |
| Ромитан тумани | 06238 |
| Жондор тумани | 06242 |
| Шофиркон тумани | 06246 |
| Когон тумани | 06400 |
| Когон шаҳри | 06401 |

| | |
|--------------------------|--------------|
| Жиззах вилояти | 08000 |
| Арнасой тумани | 08201 |
| Бахмал тумани | 08204 |
| Ғаллаорол тумани | 08209 |
| Жиззах тумани | 08212 |
| Дўстлик тумани | 08215 |
| Зомин тумани | 08218 |
| Зарбдор тумани | 08220 |
| Янгиобод тумани | 08221 |
| Мирзачўл тумани | 08223 |
| Зафаробод тумани | 08225 |
| Пахтакор тумани | 08228 |
| Фориш тумани | 08235 |
| Жиззах шаҳри | 08401 |
| | |
| Қашқадарё вилояти | 10000 |
| Ғузор тумани | 10207 |
| Шахрисабз тумани | 10208 |
| Дехқонобод тумани | 10212 |
| Қамаши тумани | 10220 |
| Қарши тумани | 10224 |
| Муборак тумани | 10226 |
| Косон тумани | 10229 |
| Китоб тумани | 10232 |
| Нишон тумани | 10235 |
| Касби тумани | 10237 |
| Миришкор тумани | 10239 |
| Чироқчи тумани | 10242 |
| Яккабоғ тумани | 10250 |
| Қарши шаҳри | 10401 |
| | |
| Навоий вилояти | 12000 |
| Конимех тумани | 12204 |
| Қизилтепа тумани | 12208 |
| Кармана тумани | 12214 |
| Навбахор тумани | 12215 |
| Нурот тумани | 12218 |
| Томди тумани | 12221 |
| Хатирчи тумани | 12224 |
| Навоий шаҳри | 12401 |
| Зарафшон шаҳри | 12404 |
| Учкудук тумани | 12406 |

| | |
|---------------------------|--------------|
| Наманган вилояти | 14000 |
| Мингбулоқ тумани | 14204 |
| Косонсой тумани | 14207 |
| Наманган тумани | 14212 |
| Чортоқ тумани | 14215 |
| Норин тумани | 14216 |
| Поп тумани | 14219 |
| Тўрақўрғон тумани | 14224 |
| Уйчи тумани | 14229 |
| Учқўрғон тумани | 14234 |
| Янгиқўрғон тумани | 14242 |
| Наманган шаҳри | 14401 |
| Чуст тумани | 14405 |
| | |
| Самарқанд вилояти | 18000 |
| Оқдарё тумани | 18203 |
| Булунғур тумани | 18206 |
| Жомбой тумани | 18209 |
| Иштихон тумани | 18212 |
| Каттакўрғон тумани | 18215 |
| Нарпай тумани | 18218 |
| Қўшрабод тумани | 18221 |
| Пайариқ тумани | 18224 |
| Пастдарғом тумани | 18227 |
| Пахтачи тумани | 18230 |
| Самарқанд тумани | 18233 |
| Нуробод тумани | 18235 |
| Ургут тумани | 18236 |
| Тойлоқ тумани | 18253 |
| Самарқанд шаҳри | 18360 |
| Каттакўрғон шаҳри | 18405 |
| | |
| Сурхондарё вилояти | 22000 |
| Бойсун тумани | 22204 |
| Музработ тумани | 22207 |
| Денов тумани | 22209 |
| Жарқўрғон тумани | 22212 |
| Қизирик тумани | 22215 |
| Сариосиё тумани | 22217 |
| Термиз тумани | 22220 |
| Шеробод тумани | 22223 |
| Шўрчи тумани | 22224 |
| Қумқўрғон тумани | 22226 |

| | |
|------------------------|--------------|
| Ангор тумани | 22229 |
| Олтинсой тумани | 22229 |
| Узун тумани | 22233 |
| Термиз шаҳри | 22401 |
| Сирдарё вилояти | 24000 |
| Оқолтин тумани | 24206 |
| Боёвут тумани | 24212 |
| Сайхунобод тумани | 24216 |
| Гулистон тумани | 24220 |
| Сардоба тумани | 24226 |
| Мирзаобод тумани | 24235 |
| Ховос тумани | 24255 |
| Гулистон шаҳри | 24401 |
| Сирдарё тумани | 24407 |
| Ширин шаҳри | 24410 |
| Янгиер шаҳри | 24413 |
| Тошкент шаҳри | 26000 |
| Учтепа тумани | 26263 |
| Бектемир тумани | 26264 |
| Юнусобод тумани | 26266 |
| Миробод тумани | 26273 |
| Шайхонтохур тумани | 26277 |
| Олмазор тумани | 26280 |
| Сирғали тумани | 26283 |
| Яккасарой тумани | 26287 |
| Хамза тумани | 26290 |
| Чилонзор тумани | 26294 |
| М.Улуғбек тумани | 26296 |
| Тошкент вилояти | 27000 |
| Оққўрғон тумани | 27206 |
| Оҳангарон тумани | 27212 |
| Бекобод тумани | 27220 |
| Бўстонлик тумани | 27224 |
| Бўка тумани | 27228 |
| Юқори Чирчиқ тумани | 27232 |
| Зангиота тумани | 27237 |
| Қуйи Чирчиқ тумани | 27242 |
| Паркент тумани | 27246 |
| Қибрай тумани | 27248 |
| Пискент тумани | 27250 |

| | |
|------------------------|--------------|
| Ўрта Чирчиқ тумани | 27253 |
| Чиноз тумани | 27256 |
| Янгийўл тумани | 27253 |
| Олмалиқ шаҳри | 27404 |
| Ангрен шаҳри | 27407 |
| Бекобод шаҳри | 27413 |
| Чирчиқ шаҳри | 27419 |
| | |
| Фарғона вилояти | 30000 |
| Олтиариқ тумани | 30203 |
| Қўштепа тумани | 30206 |
| Боғдод тумани | 30209 |
| Бувайда тумани | 30212 |
| Бешариқ тумани | 30215 |
| Қува тумани | 30218 |
| Учкўприк тумани | 30221 |
| Риштон тумани | 30224 |
| Тошлоқ тумани | 30227 |
| Ўзбекистон тумани | 30230 |
| Фарғона тумани | 30233 |
| Данғара тумани | 30236 |
| Ёзёвон тумани | 30241 |
| Сўх тумани | 30243 |
| Фурқат тумани | 30245 |
| Фарғона шаҳри | 30401 |
| Қўқон шаҳри | 30405 |
| Қувасой шаҳри | 30408 |
| Марғилон шаҳри | 30412 |
| | |
| Хоразм вилояти | 33000 |
| Боғот тумани | 33204 |
| Гурлан тумани | 33208 |
| Қўшкўпир тумани | 33212 |
| Ургенч тумани | 33217 |
| Хазорасп тумани | 33220 |
| Хонқа тумани | 33223 |
| Янгибозор тумани | 33227 |
| Шовот тумани | 33230 |
| Янгиариқ тумани | 33233 |
| Урганч шаҳри | 33401 |
| Хива тумани | 33408 |
| | |
| | |
| | |

| | |
|-------------------------------------|--------------|
| Қорақалпоғистон Республикаси | 35000 |
| Амударё тумани | 35041 |
| Қораўзак тумани | 35206 |
| Элликқалъа тумани | 35210 |
| Кегейли тумани | 35212 |
| Қонликўл | 35218 |
| Мўйноқ тумани | 35222 |
| Нукус тумани | 35225 |
| Тахтакўпир тумани | 35230 |
| Тўрткўл тумани | 35233 |
| Чимбой тумани | 35240 |
| Шуманай тумани | 35243 |
| Нукус шаҳри | 35401 |
| Беруний тумани | 35405 |
| Кўнғирот тумани | 35409 |
| Тахиатош шаҳри | 35411 |
| Хўжайли тумани | 35416 |